

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМГА БОЛАЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ. БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАР

Tavobova Ozoda Farxodovna

*TERPI Ta`lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (maktabgacha ta`lim) mutaxassisligi
2-kurs magistranti*

Аннотатсия: *Мактабгача таълим инклюзив жамиятнинг пойдеворидир, чунки айнан унинг доирасида имконияти чекланган ва имконияти чекланмаган болалар биргаликда ўрганади, ўйнайди ва ўсади. Мактабгача таълим боланинг бошланғич таълим олиш ва кейинчалик камбағаллик, қийин вазиятлардан чиқиб кетиш имкониятларини оширади. Мактабгача таълим мажбурий бўлмагани боис, у бошланғич таълимга қараганда анча эркин бўлиб, турли иштирокчилар, хусусан давлат, нодавлат ташкилотлари, хусусий сектор ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятини беради.*

Калит сузлар: *инклюзив, кўникма, эрготерапия, физиотерапия, логопед, Занзибар, қобилияти, фикрлаш, жисмоний ривожланиш, ижтимоий ва руҳий ривожланиш.*

ПРОБЛЕМЫ ВОВЛЕЧЕНИЯ ДЕТЕЙ В ИНКЛЮЗИВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ. ПРЕПЯТСТВИЯ НА ПУТИ К ДЕТСКИМ САДАМ

Тавобова Озода Фархадовна

Магистрант 2 курса по специальности Теория и методика обучения и воспитания (дошкольное образование)

Аннотатсия: *Дошкольное образование - это основа инклюзивного общества, потому что в нем дети с ограниченными возможностями и без них учатся, играют и растут вместе. Дошкольное образование увеличивает шансы на то, что ребенок получит начальное образование и затем выберется из бедности, трудных ситуаций. Поскольку дошкольное образование не является обязательным, оно гораздо более бесплатное, чем начальное образование, что дает возможность сотрудничать с различными участниками, в частности с государством, неправительственными организациями, частным сектором и религиозными организациями.*

Ключевые слова: *инклюзивный, навык, эрготерапия, физиотерапия, логопед, Занзибар, способности, мышление, физическое развитие, социальное и психическое развитие.*

PROBLEMS OF INVOLVING CHILDREN IN INCLUSIVE EDUCATION. OBSTACLES ON THE WAY TO KINDERGARTENS

Tavobova Ozoda Farxodovna

*2-year master's degree in TERPI theory and methodology of Education and training
(pre-school education)*

Annotation: *preschool education is the foundation of an inclusive society, because within its framework, children with disabilities and without disabilities learn, play and grow together. Preschool education increases the chances that the child will receive primary education and then get out of poverty, difficult situations. Since pre-school education is not compulsory, it is much more free than primary education, which gives the opportunity to cooperate with various participants, in particular with the state, non-governmental organizations, the private sector and religious organizations.*

Key words: *inclusive, skill, ergoterapiya, physioterapiya, logoped, Zanzibar, ability, thinking, physical development, social and mental development.*

КИРИШ

Мактабгача тарбия деганда бола туғилганидан саккиз ёшгача бўлган давр тушунилади. Мактабгача тарбия ва таълимга кенг кўламли тадбирлар ва имкониятлар киради. Болалар тарбиясининг кўпгина жиҳатлари Саломатлик компонентида кўриб чиқилгани боис, мазкур элементда эътибор эрта болалиқдаги таълимга қаратилиб, унда эрта ёшдаги тарбия ва болалар боғчаси билан таъминлаш масалаларига тўхталади. Мактабгача таълим катта аҳамиятга эга, чунки у боланинг ривожланишига таъсир қилади. Ҳаётининг биринчи уч йилида бола мияси мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланади, бу даврда тегишли машқлар қилинмаса, ривожланиш оқсайди ва баъзи ҳолларда батамом ортда қолади. Тил, мулоқот қилиш қобилияти, фикрлаш ва жисмоний ривожланиш учун айнан шу, эрта болалиқ даврида имконият яратилади.

Боланинг ривожланиши. Боланинг ривожланиши ўқиш ва ўрганиш жараёни бўлиб, ҳар бир бола бу жараёни бошидан кечиради, ҳаётда керак бўладиган асосий кўникма ва қобилиятларга (ривожланишнинг асосий босқичлари) эга бўлади.

Бола ривожланишининг асосий соҳалари қуйидагилар:

- ижтимоий ва руҳий ривожланиш, яъни жилмайиш ёки кўриш орқали мулоқот қилиш;
- ўрганишдаги ривожланиш, масалан қўллари ва кўзлари ёрдамида атроф-муҳитни ўрганиш ва оддий ишларни бажариш;
- нутқ ва тил ривожланиши, масалан сўзлар ва белгилар ёрдамида мулоқот қилиш;

- жисмоний ривожланиш, масалан, ўтириш, туриш, юриш, югуриш, қўл ва бармоқлар ёрдамида нарсаларни кўтариб олиш ёки чизиш.

Ривожланишдаги асосий босқичлар деганида боланинг муайян ёшда ва тегишли давр ичида билиши керак бўлган кўникма ва қобилиятлари назарда тутилади, масалан юриш қобилияти шундай босқичлардан бўлиб, аксарият болалар юришни 9 ойдан 15 ойгача бўлган ёшда ўрганади. Ривожланишдан ортда қолиш боланинг ёшига мос бўлган босқичга етмаслигини англатади. Бола юқорида айтиб ўтилганларнинг бири ёки бир нечасида ривожланишдан ортда қолиши мумкин. Агар бундай ҳолат боланинг эрта ёшида аниқланса, бола учун ўрганиш имкониятлари ва муҳитини яратиш орқали болани ривожланишдан ортда қолишининг олди олиниши мумкин. МТТ ходимлари имконияти чекланган боланинг кучли томонларига эътибор берилишини таъминлаши лозим. Имконияти чекланган болаларнинг муайян босқичга етишига урғу бермаслик катта аҳамиятга эга, чунки бу тушунчаларни нотўғри қўллаш муаммоларга олиб келиши мумкин.

- Ривожланишдан ортда қолиш, “нормал” тушунчасига асосланган. Демак, бу тушунчанинг қўлланилиши, одамга “тамға” босиш билан баробар.

- Имконияти чекланган болалар ривожланиши “нормал” тушунчасига жавоб бермаслиги мумкин. Бироқ улар барча жараёнларга жалб этилса ва қўллаб қувватланса, бахтиёр ҳаёт кечирадилар.

- Ривожланишдаги босқичлар умумий тамойиллар бўлиб, амалда маданият, жинс, миллат, ижтимоий ва иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб фарқланади. Бола ривожланиши кўплаб омиллар, шу жумладан саломатлик, озиқланиш, парвариш ва таълимга боғлиқ. Шу сабабдан, бола ривожланишига турли соҳаларни жалб қилган ҳолда ёндашиш лозим. Масалан, озиқланиш ва таълимга эътибор берадиган дастурлар, одатда, фақат у ёки бу масалага урғу берадиган дастурларга қараганда самаралироқ бўлади

Болалар боғчалари йўлидаги тўсиқлар

Жануби-шарқий Осиё мамлакатларининг бирида ёши бешга кирмаган болалар учун мунтазам кўрикдан ўтиш амалиёти мавжуд бўлса-да, бироқ имконияти чекланган деб топилган болаларга ҳеч қандай қўшимча ёрдам берилмасди. Болалар боғчаларининг мураббийлари имконияти чекланган болаларни олишни истамасди. Бунинг учта сабаби бор эди: жадвал ниҳоятда қатъий тузилган бўлиб, имконияти чекланган бола билан шуғулланиш қўшимча вақт талаб қилади; бола яхши ўқимаса ва вазни ошмаса, мураббия мукофот ололмайди; ва ниҳоят, боғчага фақат “соғлом” болалар бориши мумкин,

Уй шароитида эрта ўқиш ва ўрганишни қўллаб-қувватлаш

Оилаларни жалб этиш Мактабгача тарбия ва таълим уйдан бошланади, шу боис жараёнда оиланинг иштироки катта аҳамиятга эга. Ота-она, айниқса она боланинг ривожланишида асосий роль ўйнайди. Улар ўз муносабати ва ахлоқи билан, масалан, болани кўкрак сути билан эмизиш, у билан ўйнаш, болани рағбатлантириш орқали

унинг ривожланишини белгилайди. Оталар ҳам эътиборсиз қолмаслиги керак, ваҳоланки уларнинг бола ҳаётидаги ўрни муҳим ва иштироки рағбатлантирилиши лозим. Бу масалада таклиф этилган фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

- Ота-она, ака-ука, опа-сингил ёки буви-бувалар, бола ҳақидаги фикрларини бемалол ўқитувчилар ва шифокорлар билан ўртоқлашишда рағбатлантирилиши керак. Оилалар МТТ ходимлари учун яхши билим манбаи бўлиб хизмат қилади.

- Оилаларга ёрдам бериб, ўқиш ва тренинглар ташкил этиш орқали уларнинг имконияти чекланган фарзандларини таълим олиши учун ижобий муҳит яратиш ва уларни бунда қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш.

- Оилалар учун, зарурият туғилганида, махсус тренинглар ташкил этиш (масалан, фарзандининг эшитиш қобилияти чекланган ота-онаси учун имо ишора тили бўйича тренинг) ёки ихтисослашган хизматдан фойдаланиш (масалан, эрготерапия, физиотерапия ёки логопед хизмати).

- Оиланинг бола ривожланиши ҳақидаги билими ҳамда МТТ ходимларининг бу соҳадаги билим ва тажрибасидан фойдаланган ҳолда, оилалар билан биргаликда имконияти чекланган болалар учун индивидуал ўқиш режасини тузиш. Бундай режани ўқитувчилар билан ҳам ўртоқлашиш мумкин.

- Имконияти чекланган болаларнинг ота-оналари учун ўзаро ёрдам гуруҳини тузиш ёки мавжуд гуруҳга қўшилишини рағбатлантириш.

- Оила аъзолари, жамоат ва фаоллар орасида алоқа ўрнатиш ҳамда бир бирини қўллаб қувватлаш тармоқларини тузишни рағбатлантириш.

- Оилалардаги жинс масаласини ҳал этиш, масалан, имконияти чекланган қизнинг ўқишига рухсат этилишида оилаларни қўллаб қувватлаш.

Жамоатда таълим олиш учун турли имкониятлар мавжуд, масалан, болалар гуруҳлари, боғчалар, она ва бола гуруҳлари, аёлларнинг ўзаро ёрдам гуруҳлари ва бошқалар. Қуйида қайд этилган оддий қадамлар имконияти чекланган болаларнинг ҳам бу имкониятлардан баҳраманд бўлишини таъминлайди:

- жамоадаги турли маданий, маънавий ва бошқа тадбирларга, бозорга, имконияти чекланган болаларни олиб чиқишда оилаларни рағбатлантириш;

- болаларнинг кўчада ўйнашига рухсат беришда (ёрдамчи мосламалар, масалан ўриндиқлар талаб қилинган ҳолда ҳам) оилаларни рағбатлантириш, жамоат аъзолари керакли мосламаларни яшашда ёрдамлашиши мумкин;

- имконияти чекланган ва имконияти чекланмаган болаларнинг биргаликда ўйнашини рағбатлантириш; бир оила фарзандлари ва жамоат болаларининг ўзаро ўйнаши ҳамда бир-биридан ўрганиши муҳим ва фойдали;

- ижобий муҳит ва қулай шароитлар яратиш, жумладан болалар боғчаси ёки майдончаси ташкил этилишига жамоатни жалб этиш (бу пандуслар, ҳожатхона қуриб бериш ёки чироқларни ёруғроқ қилиш, хавфсизлик ва тозаликни таъминлаш шаклида бўлиши мумкин).

Инклюзив болалар боғчаларини ривожлантиришда ёрдамлашиш

Биз таълим соҳаси билан ҳамкорлик ўрнатиб, эътибор марказида

бола бўлган таълимни қўллаб-қувватлашимиз лозим. Барча болаларга самарали ўқиш ва ўрганиш имкониятини бериш, диққат марказида бўлиши керак. Болалар боғчалари ходимлари учун тренинглар ташкил этиб, бу билан болаларнинг турли йўллар ва суръатлар билан ўқиш ҳамда ўрганишга қодирлигини инобатга олувчи муҳит яратиши мумкин. Рағбатлантирилган фаолият турлари қуйидагилар:

- ташкил этилган ва эркин ўйин орқали ўрганиш;
- кичик гуруҳларда шуғулланиш;
- маҳаллий материаллардан ўйнаш ва ўқиш учун жиҳозларни ясаш;
- барча учун қулай шароит яратиш, масалан, пандуслар қуриш, ҳожатхоналарни

қулайликлар билан таъминлаш, кўриш қобилияти чекланган болалар учун хонанинг турли қисмларини бошқа-бошқа рангларга бўйяш, қулай атроф-муҳитга оид давлат талабларига жавоб бериш;

- мактаб ва синфда оила аъзолари ва кўнгилчилар ёрдамидан фойдаланиш, улар кўрсатаётган ёрдам фақат имконияти чекланган бола учун эмас, балки бутун синф учунлигига урғу бериш;

- болалар иштирокини ҳамда ўқиб-ўрганаётганини кузатиб, уларнинг кучли томонларини янада кучайтиришни муҳокама қилиш ва ўқишдаги ҳаёти учун муҳим бўлган мақсадларни белгилаш. В

Мисол тарикасида келтиртшимиз мумкинки Занзибар болалар боғчаларидаги мураббиялар эшитиш қобилияти чекланган бола билан имо-ишора тилида мулоқот қилади. У бармоқлари ёрдамида санайди, расмлар ёрдамида мулоқот қилади. Мураббиялар бола учун ҳаракатлардан иборат бўлган қўшиқ яратишдики, бола бошқа болалар билан биргаликда имо ишора тили ёрдамида қўшиқ айтишни ўрганди. У эшитиш қобилияти чекланган катталар билан ҳали мулоқот қила олмайди, чунки Занзибарда имо-ишора тили яхши ривожланмаган. Аммо бу бошланиши. Ўқитувчиси боланинг имо-ишора тилида мулоқот қилиши тобора яхшиланаётганини ва бу борадаги қобилиятлари ривожланаётганини айтади.

Занзибар Айрим мамлакат ва жамиятларда болалар боғчалари ниҳоятда расмий бўлиб, ёш болалар эҳтиёжларига эмас, балки бошланғич таълимга асосланади. Уларда асосий ўрин ўқитувчига ажратилган, болаларнинг ўйнаш имкониятлари кам, синфдаги муҳит ниҳоятда расмий, баъзида ўтилаётган предметларни яхши тушунмай, ёдлаш методи қўлланилади, дарслар соати узун. Бундай ёндашув нафақат имконияти чекланган болалар, балки кўпчилик болалар учун ноқулай ва номақбулдир. Таълим тизимини мунтазам равишда ислоҳ қилиш – давлат масъулиятидир. Бироқ ЖАР ходимлари болалар боғчасидаги шароитлар, ўқитиш услублари ва дастурни ўзгартириш, ва бу билан болаларнинг ўрганиш ва ўқиш имкониятларини оширишга қодир. Болалар боғчасига имконияти чекланган болаларни ҳам жалб этишда ЖАР катта роль ўйнайди – боланинг ёрдамчи мосламаларга эгаллиги ва реабилитация хизматларидан фойдалана олишини

кафолатлайди. ЖАР болалар боғчаларида мавжуд муаммолар юзасидан мутахассислар фикрини жалб қилиши, маҳаллий ресурслар ва одамлар ёрдами барча учун фойдали бўлишини намойиш қилиши мумкин. Шунда болалар боғчалари мураббиялари эътибор марказида бола бўлган ва инклюзив таълим тарафдори ҳамда тарғиботчисига айланади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. П.Ф.Н. Профессор. Шомахмудова Р. Ш. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар)
2. Д.С.ҚАХАРОВА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ (Монография)
3. X.N.Muzaffarova, D.Tangirova INKLYUZIV TA`LIM (O`quv-metodik qo`llanma)
4. Жамоатчилик Асосидаги Реабилитация (ЖАР) бўйича йўриқнома